

МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ № _____

Навоий шаҳри

2025 йил “ ____ ” _____

1. Навоий вилоят ҳокими **Турсунов Нормат Тулкунович** кейинги ўринларда "Иш берувчи" деб аталади ва фуқаро -кейинги ўринларда "Ходим" деб аталади, мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздик:

2. Фуқаро -лавозимига ишга қабул қилинди.

3. Шартнома асосий иш бўйича ҳисобланади.

4. Шартнома муддати Номуайян муддатга

5. Шартнома бўйича ишнинг бошланиши 2025 йил 31 октябрдан.

6. Синов муддатисиз.

7. Ходимнинг мажбуриятлари:

а) меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка ва меҳнат ҳақидаги бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, меҳнат шартномалари шартларига риоя этиш;

б) меҳнат шартномаси билан зиммасига юкланган меҳнат мажбуриятларини виждонан бажариш;

в) ички меҳнат тартибига риоя этиш;

г) меҳнат интизомига риоя этиш;

д) белгиланган меҳнат нормаларини бажариш;

е) меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига, технология интизомига, меҳнат хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш санитарияси қоидаларига риоя этиш;

ё) иш берувчининг мол-мулкига (шу жумладан учинчи шахсларнинг иш берувчида турган мол-мулкига, агар иш берувчи ушбу мол-мулкнинг бут сақланиши учун жавобгар бўлса) нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлиш;

ж) иш берувчига етказилган моддий зарарнинг ўрнини Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига белгиланган тартибда ва доирада қоплаш;

з) инсонларнинг ҳаёти ва соғлиғига, иш берувчининг мол-мулки (шу жумладан, учинчи шахсларнинг иш берувчида бўлган мол-мулкига, агар иш берувчи ушбу мол-мулкнинг бут сақланиши учун жавобгар бўлса) бут сақланишига таҳдид соладиган вазият юзага келганлиги тўғрисида иш берувчига ёки бевосита раҳбарга дарҳол хабар қилиш;

и) бошқа ходимларнинг ўз меҳнат мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қилувчи ҳаракатларни содир этмаслик;

й) иш берувчининг қонуний қарорлари ва фармойишларини ҳамда топшириқларини бажариш;

к) Тегишли низом ва вазифалар тақсмотига риоя қилиш;

л) қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив ҳужжатларга риоя қилиш;

м) ахборот хавфсизлигини таъминлаш, жумладан, интернет тармоқларидан фақат соҳа бўйича фойдаланиш, ижтимоий тармоқлардан иш фаолиятидан четга чиққан ҳолда фойдаланмаслик;

н) ходим ўз хизмат вазифаларини бажараётганда коррупциявий ҳатти-ҳаракатларда катнашмаслик, шу жумладан ғайриқонуний имтиёزلарни олиш ёки бошқача тарзда ғайриқонуний мақсадларда ўзининг ёки бошқа шахсларнинг ҳаракатлари ёки қарорларига таъсир қилиш учун пул маблағлари ёки бошқа қимматликлар кўринишида:

- пора таклиф қилмаслик;

- ваъда бермаслик;

- пул тўламаслик, товламачилик қилмаслик;

- бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермаслик;

- пора олмаслик;

- бирон-бир шахс фойдасига ёки бирон-бир шахс хизматларидан фойдаланмаслик;

- мол-мулк ёки мулкый ҳуқуқларни олмаслик;

- ўз ваколатларини суиистеъмол қилмаслик мажбуриятини олади;

- лавозим вазифаларини ҳалол бажариш;

- хизмат сирларини ошкор қилмаслик;

- ўзининг хизмат вазифаларини ўз вақтида, тўлиқ, ҳалол ва виждонан бажариш;

о) ходим атрофдаги шахслар томонидан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликни содир этиш ёки унда катнашишга тайёргарлик кўриш сифатида баҳоланиши мумкин бўлган хулқ-атвордан ўзини тийиш;

п) вилоят ҳокимлигининг бошқа ходимлари томонидан содир этилган ёки содир этилиши

режалаштирилаётган коррупцияга оид ҳукукбузарликлар ҳақидаги фактларни аниқласа, ушбу маълумотларни тегишли ваколатли органларга хабар бериш;

р) ходим Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва вилоят ҳокимлиги бошқарув аппаратининг ички ҳужжатларига мувофиқ манфаатлар тўқнашуви келиб чиқишининг олдини олиш чораларини кўриш, манфаатлар тўқнашуви ёки унинг келиб чиқиш эҳтимоли ҳақида ўзига маълум бўлиши билан дарҳол иш берувчини ёки унинг ўрнини босадиган шахсларни хабардор қилиши;

с) ходимлар орасида шахсий ёки бошқа шахсларнинг манфаатларини кўзлаб, хизмат мажбуриятларидан четга чиққан ҳолда бошқа ходимларнинг профессионал иш фаолиятига аралашиб, маълумот сўраш ҳамда қарор қабул қилишига таъсир кўрсатиш ҳолатлари юзага келганда вилоят ҳокимлиги ички ҳужжатларига мувофиқ дарҳол <https://t.me/Navoiyantikormurojaat> канали орқали хабар қилиши;

т) давлат фуқаролик хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини таъминлашда:

- давлат хизматининг обрўсига путур етказиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлардан тийилиш, ахлоқ нормаларига доимий риоя қилиш;

- масъулият, касбига садоқат ва ҳалолликни кундалик шиорга айлантириш;

- касб этикаси ва ишчанлик услубига риоя этиш;

- телефонда сўзлашиш ва кийиниш маданиятига қатъий риоя этиш;

- мураккаб вазифаларни бажаришда ҳамкасбларига кўмаклашиш;

- хушмуомалалик, эътиборлилик ва ҳушёрлик билан фуқароларда давлат хизматчисига нисбатан ишонч ва ҳурмат ҳиссини уйғотиш;

- оиласида соғлом муҳитни таъминлаб, оила аъзоларига доимий ғамхўр бўлиш, фарзандларида ватанпарварлик ва бошқа юксак ахлоқий фазилатларни шакллантириш;

- фуқароларнинг ижтимоий келиб чиқиши, иқтисодий аҳволи ва бошқа омиллардан қатъи назар, улар билан бир хил, самимий, одоб доирасида муносабатда бўлиш;

- жамиятда ахлоқнинг умумэтироф этилган қоидаларига амал қилиш;

- ҳалол, адолатли ва камтар бўлиши, фуқаролар билан мулоқотда хушмуомала, вазмин ва самимий муносабатни намойиш қилиши;

- меҳнат жамоасида ҳамкасбларининг шаъни ва кадр-қимматини обрўсизлантирадиган шахсий ва касбий фазилатларини муҳофаза қилишдан тийилиш;

- дабдабабозлик, шухратпарастлик, гуруҳбозлик, маишатбозлик, ичкиликбозлик ва бошқа салбий иллатларга йўл қўймаслик;

- расмий эълон қилинган маълумотлардан ташқари давлат хизмати фаолиятига оид масалаларни муҳофаза қилмаслик;

- жамоат жойларида (кафе, ресторан ва бошқа кўнгилочар масканларда) ўзини тутиш қоидаларига риоя этиш, атрофдагиларнинг эътиборини тортувчи ортиқча ва салбий ҳаракатларга йўл қўймаслик;

у) ходим Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ва вилоят ҳокимлиги ички ҳужжатларида назарда тутилган қоидаларни бузган тақдирда, қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

ф) меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка, меҳнат тўғрисидаги бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ва меҳнат шартномасига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

8. Иш берувчининг мажбуриятлари:

а) меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка ва меҳнат ҳақидаги бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, меҳнат шартномалари шартларига риоя этиш;

б) ходимни меҳнат шартномасида шартлашилган иш билан таъминлаш;

в) ходимни ишга қабул қилишда, меҳнат жараёнида ва ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишда, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат **кодексининг** меҳнат ва машғулотлар соҳасида камситишни тақиқлаш тўғрисидаги талаблари бузилишига йўл қўймаслик;

г) мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатининг оғир шакллари қўлланилишига йўл қўймаслик;

д) меҳнатни муҳофаза қилиш норматив талабларига мувофиқ бўлган меҳнат хавфсизлигини ва шарт-шароитларини таъминлаш;

е) ходимларни ўз меҳнат мажбуриятларини бажариши учун зарур бўлган асбоб-ускуналар, асбоблар, техник ҳужжатлар ва бошқа воситалар билан таъминлаш;

ё) ходимларга берилиши лозим бўлган иш ҳақини Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат **кодекси**га, жамоа шартномасига, ички меҳнат тартиби қоидаларига, бошқа ички ҳужжатларга, меҳнат шартномаларига мувофиқ белгиланган муддатларда тўлиқ ҳажмда тўлаш;

ж) Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат **кодекси**да белгиланган тартибда жамоа музокараларини олиб бориш, шунингдек, жамоа шартномасини тузиш;

з) меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка, меҳнат тўғрисидаги бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ва меҳнат шартномасига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

9. Иш куни режими

Ҳар куни соат 09:00дан 18:00гача, шанба ва якшанба дам олиш куни

10. Ходим учун 5 кунлик иш ҳафтаси белгиланади. Бунда иш вақтининг давомийлиги ҳафтасига 40 соатгача этиб белгиланади.

11. Меҳнатга ҳақ тўлаш.

Ходимга қуйидагича ҳақ тўлаш белгиланади:

а) тасдиқланган штатлар жадвалига асосан ҳақ тўланади.

б) амалдаги қонун ҳужжатларига ва норматив ҳужжатларга мувофиқ меҳнат шaroитлари билан боғлиқ бўлган қўшимча ҳақ, устама, компенсациялар белгиланади:

в) жамоа шартномаси шартлари билан назарда тутилган, шунингдек, берилган (мавжуд) ҳуқуқлар ва маблағлар доирасида раҳбар томонидан белгиланадиган қўшимча ҳақ, устама, мукофот, тақдирлашлар ва рағбатлантирувчи турдаги бошқа тўловлар амалга оширилади;

12. Ходимга:

а) ҳар йилги асосий узайтирилган таътил (меҳнат таътили) 27 календарь кунидан берилади;

б) қўшимча таътил 9 календарь кунидан иборат бўлган ҳақ тўланадиган йиллик таътил белгиланади;

в) у битта ташкилотда ёки тармоқда ишлаган ҳар беш йил учун давомийлиги икки календарь кун бўлган, бироқ жами саккиз календарь кундан кўп бўлмаган ҳар йилги қўшимча меҳнат таътили берилади.

13. Меҳнат шартномасининг меҳнат шaroитлари ва унга ҳақ тўлаш хусусиятлари, ижтимоий ҳимоя, имтиёзлар, кафолатлар ва бошқалар билан боғлиқ бўлган шартлари тарафлар учун қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амал қилади.

14. Меҳнат шартномаси бир хил кучга эга бўлган икки нусхада тузилиб, уларнинг ҳар бири тарафлар томонидан имзоланади, меҳнат шартномасининг бир нусхаси ходимга берилади, бошқаси иш берувчида сақланади.

Меҳнат шартномасининг реквизитлари:

Ходим

Иш берувчи

(имзо)
2025 йил _____

_____ **Турсунов Нормат Тулкунович**
(имзо, муҳр)
2025 йил _____

Бир нусха олдим _____ 2025 йил « ____ » _____
имзо

Вилоят ҳокимлиги ташкилий-
кадрлар гуруҳи раҳбари

Вилоят ҳокимлиги юридик хизмат бошлиғи

Коррупцияга қарши қоидаларнинг АСОСИЙ ШАРТЛАРИ

1. Ходим ушбу меҳнат шартномаси бўйича ўз хизмат вазифаларини бажараётганда коррупциявий хатти-ҳаракатларда қатнашмаслик, шу жумладан, ғайриқонуний имтиёзларни олиш ёки бошқача тарзда ғайриқонуний мақсадларда ўзининг ёки бошқа шахсларнинг ҳаракатлари ёки қарорларига таъсир қилиш учун пул маблағлари ёки бошқа қимматликлар кўринишида:

пора таклиф қилмаслик;
ваъда бермаслик;
пул тўламаслик; товламачилик қилмаслик;
бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермаслик;
пора олмаслик;
бирон-бир шахс фойдасига ёки бирон бир шахс хизматларидан фойдаланмаслик;
мол-мулк ёки мулкый ҳуқуқларни олмаслик;
ўз ваколатларини суиистеъмол қилмаслик мажбуриятини олади.

2. Ходим атрофдаги шахслар томонидан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликни содир этиш ёки унда қатнашишга тайёргарлик кўриш сифатида баҳоланиши мумкин бўлган хулқ-атвордан ўзини тийиши шарт.

3. Ходим Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва вилоят ҳокимлиги ички ҳужжатларига мувофиқ манфаатлар тўқнашуви келиб чиқишини олдини олиш чораларини кўриши ва манфаатлар тўқнашуви ёки унинг келиб чиқиш эҳтимоли ҳақида ўзига маълум бўлиши билан дарҳол иш берувчини ёки унинг ўрнини босадиган шахсларни хабардор қилиши шарт.

4. Ходимлар орасида шахсий ёки бошқа шахсларнинг манфаатларини кўзлаб, хизмат мажбуриятларидан четга чиққан ҳолда бошқа ходимларнинг профессионал иш фаолиятига аралаштириш, маълумот сўраш ҳамда қарор қабул қилишига таъсир кўрсатиш ҳолатлари юзага келганда вилоят ҳокимлиги ички ҳужжатларига мувофиқ дарҳол қуйидаги алоқа каналлари орқали:

коррупция ҳақида хабар беришга мўлжалланган ишонч телефони; (+99878) 770-31-11

Телеграм <https://t.me/Navoiyantikormurojaat> канали;

Вилоят ҳокимлиги бошқарув аппарати коррупцияга қарши ички назорат шўъбасига хизмат телефон рақамига хабар қилиши лозим;

шахсан вилоят ҳокимлиги ижтимоий тармоқдаги манзилларига хабар қилиниши лозим.

5. Агар ходим вилоят ҳокимлиги бошқа ходимлари томонидан содир этилган ва содир этилиши режалаштирилаётган коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги фактларни аниқласа, у ушбу маълумотни алоқа каналлари орқали вилоят ҳокимлиги бошқарув аппарати коррупцияга қарши ички назорат шўъбасига тақдим этиши шарт.

6. Ходим Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ва вилоят ҳокимлиги ички ҳужжатларида назарда тутилган коррупцияга қарши талабларни бузган тақдирда, қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

Ходим: _____
(Ф.И.О.)

(имзо)